Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

22 июль, шанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 140 (1142)

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИГА, ҒАЛЛАКОРЛАРИГА, БАРЧА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

*Пойтахт вилоятининг ғаллакорлари давлат омборларига 216 минг тоннадан кўпроқ дон етказиб бергани ҳақидаги хабарни эшитиб ғоят мамнун бўлдим.*

*Шу қадар рекорд миқдорда дон тайёрланиши — Ўзбекистоннинг ғалла ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга қўшилган муносиб ҳисса, Тошкент вилоятидаги барча қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати натижасидир. Вилоят меҳнаткашлари республикамизнинг гуллаб-яшнаши ва фаровонлиги йўлида куч-ғайратларини ҳеч қачон аяган эмас.*

*Ғаллазорларнинг шонли меҳнатчилари, сизларга чин юракдан мустаҳкам соғлиқ, яхши кайфият, олижаноб меҳнатингизда янги зафарлар тилайман.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ, ЖИЗЗАХЛИК ҒАЛЛАКОРЛАРГА, БАРЧА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

*Азиз биродарлар!*

*Давлатга 240 минг тонна ғалла сотиб, катта ғалабага эришган жиззахлик барча ғаллакорларни, қишлоқ меҳнаткашларини чуқур мамнуният билан табриклайман.*

*Жиззахликлар давлат хирмонига биринчи марта бундай катта миқдорда ғалла топширдилар.*

*Бу муваффақият сизларнинг мардонавор меҳнатингиз, ғаллачиликни янада ривожлантириш ўта муҳимлигини тўғри тушунганлигингиз натижасидир.*

*Сизларнинг ғалабангиз — жонажон Ўзбекистонимизнинг ғалла мустақиллигини мустаҳкамлайди ва олиб бораётган иқтисодий сиёсатимизнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Шу билан бирга келажак фаровон ҳаётимизга асос солади.*

*Чин қалбдан сизларга, сизларнинг оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, тинчлик, меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Тошкент вилояти деҳқонлари давлатга ғалла топшириш режасини бажардилар. Хирмонга 216 минг тоннадан кўпроқ дон уюлди. Суғориладиган ердан олинган ҳосил гектар бошига ўртача 31 центнердан кўпроқни ташкил этди.

Ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда.

## 240 МИНГ ТОННА ҒАЛЛА ТАЙЁР!

Жиззахлик ғаллакорлар улкан ғалабага эришдилар. Вилоятда биринчи марта 240 минг тонналик хирмон уюлди. Дўстлик, Ғаллаорол, Мирзачўл, Зафаробод, Пахтакор ва Жиззах туманлари деҳқонлари бу ютуққа салмоқли ҳисса қўшди.

Ғалла ўрим-йиғими давом этяпти. Деҳқонлар етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, ялпи хирмонни 350 минг тоннага етказиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Референдум орқали узайтирилган ваколатлари муддатини президентлик лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисидаги баёноти масаласи юзасидан сайловчилар фикрини ўрганиш мақсадида Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида тузилган комиссия 21 июль куни йиғилиш ўтказди.

Йиғилишни комиссия раиси Э. Халилов олиб борди. Муҳокама этилаётган масала юзасидан фикр алмашилгач, комиссия аъзолари Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида депутатлар ҳузурида маъруза қилиш учун умумлашма якуний материалларни келаси йиғилишга қадар тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилдилар.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАВО ФЛОТИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат қудратини ва иқтисодиётини мустаҳкамлашда, халқаро ва ички қатновни таъминлашда ҳаво флотининг муҳим аҳамиятини эътиборга олиб, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кўп минг кишилик жамоаларининг, ҳарбий-ҳаво кучлари ҳарбий хизматчиларининг ва ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг авиацияни, авиация саноатини ривожлантиришга ҳамда кадрлар тайёрлашга қўшган ҳиссасини назарда тутиб:

1. Август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон Республикасининг ҳаво флоти куни» этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 июль.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва тожик мухолифати раҳбари Саид Абдулло Нурийнинг 1995 йил 19 июль куни Теҳронда ўтган учрашувида музокаралар жараёнини бундан буён ҳам давом эттириш ва Тожикистон муаммосини сиёсий мулоқот асосида ҳал этиш тўғрисида бир қарорга келинганини мамнуният билан қайд этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонларнинг музокаралар жараёни ва Тожикистон Республикасида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан сиёсий ечимларни ишлаб чиқишга асос бўладиган ҳамда миллий сулҳ йўли сифатида маслаҳат органи тарзидаги Тожикистон халқлари конгрессини чақириш тўғрисидаги аҳдлашувини табриклайди.

Ўзбекистон мазкур жараёнга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йил 3 апрель куни Тожикистон мухолифати раҳбарияти билан учрашувда жаноб Акбар Тўражонзодага айтган таклифи асос қилиб олинганидан мамнунлигини изҳор қилади.

Конгресс чақириш тўғрисидаги бу таклиф кейинчалик Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Тожикистондаги махсус вакили жаноб Ромиро Пирис Баллонга етказилган ва у бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган эди.

Ўзбекистон БМТ ҳомийлигида Тожикистондаги муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишида изчиллик билан ҳаракат қилаверади.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.**

## МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ

***Қашқадарё вилоят ҳокимлигида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлди.***

Унда вилоятдаги шаҳар ва туман ҳокимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари, олимлар, ижодкор зиёлилар, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст, Олий Мажлис Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси, «Ватан тараққиёти партияси» раиси А. Йўлдошев давра суҳбатида сўзга чиқдилар.

Давра суҳбатида юртбошимизнинг янги асарида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар босқичлари теран таҳлил этилиб, тараққиётимизнинг бундан буёнги асосий йўналишлари белгилаб берилгани таъкидланди.

## БУЮК МУҲАДДИСНИ ЁД АЙЛАБ

***Самарқандда ислом оламининг буюк алломаси, беназир муҳаддис Имом Исмоил Ал-Бухорий таваллудининг 1185 йиллиги кенг нишонланди.***

Шу муносабат билан 21 июль куни улуғ ҳазрат осойиш топган Хартанг қишлоғида илмий-назарий конференция бўлди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари, дин аҳллари, кўпдан-кўп меҳмонлар қатнашди. Анжуманни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов очди.

Анжуман иштирокчилари улуғ бобомизнинг табаррук қабрини зиёрат қилдилар, Исмоил Ал-Бухорийнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг бой илмий мероси ҳақидаги маърузаларни тингладилар. Мовароуннаҳр мусулмонлар диний идораси раиси муфти Мухторжон ҳожи Абдуллаев истиқлол туфайли улуғ аждодимизнинг муборак номини тиклаш, обрў-эътиборини жойига қўйиш, ўлмас асарларини ўрганиш борасида жуда катта ишлар қилинаётгани тўғрисида гапирди.

Шу куни Самарқандда Имом Ал-Бухорий меросини ўрганиш, уни кенг ёйиш ва тарғиб этишга кўмаклашувчи махсус жамғарма таъсис конференцияси бўлди.

Жамғарма раёсати ва низоми тасдиқланди.

(ЎзА).

## ҲАРБИЙ АЛОҚАЧИЛАР ДОРИЛФУНУНИ

***Яқинда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси асосларида: «ҳарбий мутахассисларнинг, биринчи навбатда учувчилар, алоқачилар, ҳаво ҳужумидан мудофаа, компьютер ва электрон техника мутахассисларини, чегарани қўриқлаш, шахсий таркиб билан ишловчи мутахассисларни тайёрлаш бўйича муҳим давлат дастури ишлаб чиқилади ва амалга оширилади», деган сатрлар бор. Яъни, Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтда ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимида аниқланган камчиликлар яқин вақт ичида бартараф қилинади. Чунончи, мамлакатимизда учувчилар, алоқачиларни, бошқа ҳарбий мутахассисларни тайёрлайдиган олий ҳарбий билим юртлари йўқ эди. Эндиликда республика Қуролли кучлари учун ҳарбий мутахассислар мамлакатимизнинг ўзида тайёрланади. Бу иш ҳозирнинг ўзидаёқ бошлаб юборилган.***

***Бўлажак алоқачи зобитлар мамлакатимиз ҳарбий билим юртлари курсантлари билан бир қаторда бу касбни сидқидилдан ўрганишмоқда. Бундай мутахассислар Тошкент Электротехника алоқа институтида 1993 йилда ташкил этилган махсус факультетда тайёрланади. ЎзА шарҳловчиси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Алоқа бошқармаси бўлим бошлиғи, полковник П. Ильин ва махсус факультет бошлиғи подполковник А. Аминов билан алоқа қўшинлари учун мутахассислар тайёрлаш ишлари хусусида суҳбатлашди.***

**— Павел Васильевич, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси асосларида ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш масаласи умумдавлат вазифаси қаторига қўйилган. Собиқ Иттифоқ ва унинг қуролли кучларининг тарқалиб кетиши мустақил мамлакатимизнинг мудофаа тузилмасини барпо этишга ҳам таъсир этган бўлса керак?**

— Бу йил январь ойида республика Қуролли кучлари ташкил этилганининг уч йиллигини нишонладик. Бу давр — ҳарбий қурилиш учун жуда қисқа, лекин ўтган вақт ичида бу соҳада кўп иш қилинди. Армияда амалга оширилаётган бунёдкорона ўзгаришларни кўриб, Қуролли кучларни барпо этиш даври қийинчиликларини ҳам унутиб юборади киши. Қийинчиликлар ҳақиқатан ҳам кўп эди. Улар собиқ Иттифоқ республикалари мустақилликка эришган шароитда табиий бўлган.

Мутахассисларнинг кўчиб кетиши натижасида ходимлар, айниқса алоқачи зобитлар тақчил бўлиб қолди. Бу камчиликни бартараф этиш учун Тошкент Электротехника алоқа институтида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг махсус Алоқа факультети ташкил этилди. Ҳозир у алоқа зобитлари тайёрлайдиган асосий мактабдир. Ўтган йили дастлабки гуруҳ факультети битириб чиқди. Яқинда алоқачи зобитларнинг иккинчи гуруҳи диплом лойиҳаларини ҳимоя қилди. Мен хизмат юзасидан ёш зобитлар билан бевосита мулоқатда бўладиган командир сифатида айтишим мумкинки, бу ерда мамлакатимиз Қуролли кучлари учун муносиб мутахассислар тайёрланмоқда. Факультетни битирганларнинг барчаси зиммасига юкланган вазифани мустақил бажаришга қодир бўлган малакали мутахассислардир.

**— Маълумки, бўлажак алоқачи зобитлар ўқиш даврида қўшинларда тажриба орттиради. Бу жараён қандай кечади?**

— Ўқув режасига мувофиқ, махсус факультет тингловчилари ўқув жараёнида ҳарбий тажрибаларни ўрганадилар. Улар қўшинларда ўтказиладиган барча тадбирларга жалб этилади. Факультетни битирувчи ҳар бир киши экипажда тажриба орттиради, бўлинма командири, аппарат хонаси бошлиғи, взвод командири ва ҳатто рота командири, вазифаларида ўз қобилиятини синовдан ўтказади. Бундай тажрибадан сўнг у бўлинмани қабул қилиб олишга, унга раҳбарлик қилиб, зиммасидаги вазифани бажаришга тайёр бўлади. Хуллас, биз назария ва амалиёт бирлигини таъминламоқдамиз. Курсантларимиз тажриба орттириш чоғида қўшинларни бошқариш кўникмаларини ҳам ҳосил қиладилар.

**— Аброр Аббосович, эндиги саволим сизга. Алоқачи зобитлар тайёрлайдиган махсус факультет электротехника алоқа институтида ташкил этилгани тасодиф бўлмаса керак?**

— Ҳа, албатта. Икки сабабга кўра махсус факультет Тошкент Электротехника алоқа институтида ташкил қилинди. Биринчидан, кўп йил давомида алоқа институтида тўпланган бой ўқув-услий ва илмий салоҳиятдан фойдаланиш самара берар эди. Иккинчидан эса — бунисы ҳам жуда муҳим — жуда кам ҳаражат билан қисқа муддатда мамлакат Қуролли кучлари учун юқори малакали зобитлар тайёрлашни бошлаб юбориш мумкин эди.

Махсус факультетни тезда кадрлар билан тўлдириш, уни замонавий алоқа техникаси билан жиҳозлаш, зобитлар ва тингловчиларнинг хизматини, турмушини йўлга қўйиш учун кўп куч ва ғайрат сарфлашга тўғри келди.

Факультет зиммасидаги вазифани муваффақиятли бажариш учун унинг профессор-ўқитувчилар таркибини олий ўқув юртларида ўқув-услий ва илмий ишларда тажриба орттирган юқори малакали зобитлар билан тўлдиришга қарор қилинди. Зобитлар ва ўқитувчилар таркибини шакллантириш чоғида пойтахтдаги олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларининг мутахассислари ихтиёрийлик асосида жалб этилди. Уларнинг 70 фоиздан кўпроғи илмий даража ва унвонга эга.

1993 йилда дастлабки тингловчиларни қабул қилдик. Факультет ташкил этилганидан сўнг бир йил ичида зобитларнинг дастлабки туркумини тайёрлаб чиқариш учун Ўзбекистон Қуролли кучларида зобит бўлиб хизмат қилиш истагини билдирган Алоқа институти юқори курсларининг талабалари ихтиёрийлик асосида махсус факультетнинг юқори курсларига қабул қилинди. Шу тариқа, 1994 йилдаёқ факультет дастлабки алоқачи зобитларни тайёрлаб берди, улар мудофаа вазирининг буйруғига биноан республика Қуролли кучларининг алоқа қисмларига ишга тайинланди.

**— Аброр Аббосович, республикамиз бошидан кечираётган иқтисодий қийинчиликларга қарамай, бўлажак зобитларни замонавий техника ва ускуналар негизида ўқитиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилди. Ҳозирги пайтда махсус факультетнинг моддий-техника таъминоти қандай аҳволда?**

— Факультет ташкил этилганидан буён Мудофаа вазирлиги уни замонавий асбоблар билан таъминлаш учун кўп иш қилди. Шу туфайли, бизнинг ихтиёримизда шундай аппаратлар ва техника борки, уларни ҳозирги пайтда ҳамма олий ўқув юртларида учратиш қийин. Яъни, биз бўлажак зобитларга қўшинларда қўлланиладиган энг замонавий алоқа воситалари асосида таълим беряпмиз. Йил бошида замонавий компьютерлар сотиб олдик. Бу эса, компьютер техникаси синфини жиҳозлашга имкон берди. Мудофаа вазирлиги тингловчиларга жадал таълим бериш учун зарур асбоблар ва махсус адабиётларни сотиб олишимизда мунтазам ёрдам бермоқда.

**— Махсус факультетдаги таълим бошқа олий ўқув юртларидаги таълимдан қандай фарқ қилади?**

— Махсус факультетни ташкил этиш чоғида тасдиқланган низомга мувофиқ, талабаларимиз биринчи ва иккинчи курсларда Алоқа институтининг умумий илмий, умумий инженерлик ва ижтимоий кафедраларида шуғулланадилар. Биринчи ва иккинчи курсларда улар бошқа талабалар каби талим оладилар. Факультетнинг махсус кафедраларида таълим олиш учинчи курсдан бошланади. Айни шу учинчи курсдан бошлаб биз уларни озиқ-овқат билан таъминлашни зиммамизга оламиз, кийим-кечак билан таъминлаймиз, уларга тингловчи мақомини берамиз. Лекин шуни ҳам айтиб ўтайки, Мудофаа вазирлиги махсус факультет талабаларини биринчи курсданоқ ўз тасарруфига олади, яъни биринчи ва иккинчи курсларнинг талабаларига стипендия тўлайди, махсус факультет ўқитувчилари учун пул ажратади. Айтиш мумкинки, факультетимиз Мудофаа вазирлиги тизимидаги олий ўқув юртидир.

Бизда ўқиш осон эмас, албатта. Чунки, биз бир вақтнинг ўзида тингловчиларимизга ҳарбий мутахассислик билан бирга оддий мутахассисликни ҳам ўргатамиз. Улар уч йўналиш бўйича ихтисослашадилар. Булар — радиокосмик алоқа, симли радиореле тропосфера алоқаси, шунингдек бошқаришнинг автомат тизимларидир. Хуллас, факультетимизни битирганлар алоқа зобити унвони билан бирга муҳандислик мутахассислигини ҳам олади. Ўқув режасига мувофиқ, ҳозирги пайтда таълим бериш беш йилга мўлжалланган. Олий ўқув юртини битириш чоғида бўлажак зобит диплом лойиҳасини ёқлайди.

**— Алоқачи зобит бўлиш орзусида факультетга киришни хоҳлаганларга қандай талаблар қўйилади?**

— Бўлажак талабларга нисбатан қўйиладиган асосий талаблардан ташқари, улардан жисмоний бақувватлилик талаб қилинади. Чунки, алоқа зобити турли шароитда, ҳатто фавқулодда шароитларда ишлашга қодир бўлиши лозим. Таълим жараёнида тингловчиларни жисмоний жиҳатдан тайёрлашга катта эътибор берамиз. Бошқа ҳарбий ўқув юртларида бўлгани каби, махсус факультетда ҳам тингловчилар жисмоний тайёргарлик бўйича давлат имтиҳонидан ўтадилар. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун институтда ҳамма имконият мавжуд. Бу ерда спорт секциялари кўп, уларда тингловчилар фаол шуғулланишмоқда. Тингловчиларимиз шунингдек кўпгина мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни ҳам эгаллашмоқда.

Талабалар эса, тест синови асосида қабул қилинади. Синовни республика тест синови маркази ўтказади. Тестга математика, физика, она тили ва адабиётга доир фанлар киритилган. Бу йил махсус факультетга киришни хоҳловчилар биринчи марта махсус саралашдан ўтказилади. Бу саралаш бўлажак талабанинг жисмоний тайёргарлиги ва соғломлигини ўз ичига олади. Ана шу синовдан ўтганларгина тест синовига қўйилади.

**— Махсус факультет тингловчиси бўлишга тайёргарлик кўраётган йигитларга қандай истак билдирасиз?**

— Энг аввало республикамиз Президентининг: Ватанни ҳимоя қилиш — ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи, деган сўзларини эслатиб ўтмоқчиман. Шу сабабли, бўлажак зобит ўз тақдирини Ўзбекистон Қуролли кучларида хизмат қилиш билан боғлар экан, бу жуда масъулиятли қадамлигини унутмаслиги, бу йўлдаги барча синовларга бардош беришга тайёр туриши керак.

П. ДОНИЁРОВ.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК — КЕЛАЖАК ТЎҒРИСИДАГИ ҒАМХЎРЛИКДИР

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги пленуми Иқтисодий жиҳатдан қудратли ва маънавий жиҳатдан юксалган давлат барпо этишда хотин-қизларнинг тутган ўрни мавзусига бағишланди. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова ўз маърузасида таъкидлаганидек, Фармон қабул қилинганидан сўнг хотин-қизларнинг давлат бошқарувида фаол иштирок этиши учун ҳақиқий имконият пайдо бўлди. Улар жамиятни ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалтириш масалаларини ҳал қилишга тобора кўпроқ жалб этилмоқда. Улар орасида йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, тадбиркорлар, олимлар, маданият арбоблари бор.

Пленумда республика Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова нутқ сўзлади.

(ЎзА).



*Музробод туманидаги А. Навоий жамоа хўжалигида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун қизғин кураш кетмоқда. Бу йил жамоа аъзолари 290 гектар майдондаги пахтазорнинг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ-олтин» етиштиришмоқчи.*

*СУРАТДА: ёш механизатор Р. Файзуллаев.*

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) тасвирга олган.

## ДАРОМАД МАНБАИ

Андижондаги «Коммунар» механика заводида консерва маҳсулотларини беркитадиган станоклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Консерва корхоналари ходимларининг фикрича, корхона мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган янги мослама оддийлиги, фойдаланишга қулайлиги ва унумдорлиги билан ажралиб туради. Энди корхона ҳўл мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган кичик ва катта цехлардан янги ускунани етказиб бериш тўғрисида тушаётган кўплаб буюртмаларни бажариши зарур.

Акционерлик жамиятига айлангач, Андижон механика заводи жамоаси юқори даромад олиш мақсадида ўз маҳсулотларининг сифатига, истеъмол талабларини аниқлашга катта аҳамият бера бошлади. Шу сабабли кенг истеъмол моллари турлари ошди, корхона печкалар, дала ҳовлиларда яшовчилар учун керакли буюмлар, уй-рўзғор анжомлари ишлаб чиқара бошлади. Якка тартибда уй қурувчилар истакларини ҳисобга олиб, заводда ғишт тайёрловчи линиялар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришяпти.

(ЎзА).

